ХРИСТИАН ДИНИНИНГ КИБЕРМАКОНГА КИРИБ КЕЛИШ ТАРИХИ

ИСТОРИЯ ПРОНИКНОВЕНИЯ ХРИСТИАНСТВА В КИБЕРПРОСТРАНСТВО

HISTORY OF THE ENTRY OF CHRISTIANITY INTO CYBERSPACE

Shohsanam NIYAZOVA,
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN,
basic doctoral student of the UNESCO chair on religious studies and the comparative study of world religions,
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan,
shohi21@mail.ru,

DOI: 10.47980/IIAU/2021/2/6

АННОТАЦИЯ: *Мақолада кибермаконга христиан динининг кириб келиши, мазкур динга оид илк виртуал форумлар, гуруҳлар, тармоқ ва веб-сайтлар тарихи тўғрисида сўз юритилган. Бу жараёнларни тадқиқ этган олимларнинг дин, хусусан, христианликнинг Интернетда кенг ёйилиши ва бунинг ўзига хос жиҳатлари борасидаги нуқтаи назарлари очиб берилган. Эътиборлиси, бу жараёнларнинг гувоҳи бўлган ёхуд шахсан иштирок этган АҚШлик, Канада ва англиялик олимларнинг шахсий кузатувларидан мисоллар келтирилган. Дин ва интернет мавзусидаги тадқиқотлар уч давр (тўлқин)га бўлиниши ҳисобга олинган ҳолда ҳар бир даврнинг етакчи намояндалари тадқиқотларига тўхталиб ўтилган. Ушбу изланишлар натижасида қандай хулосаларга келингани баён этилган.*

XX асрнинг иккинчи ярмида онлайн эълонлар доскаси (BBS)да фақат пост ёзиб қолдиришдан бошланган мазкур жараён тез суръатларда ривожланди. Диний қарашлар баён қилинадиган алоҳида форумлар (масалан, "Origins", 1983 й.) ва айнан христианларга мўлжалланган виртуал гуруҳлар ("net.religion.christian", 1984 й.) юзага келди. Муаллиф томонидан бу гуруҳларга нафақат оддий аҳоли, балки черковлар ҳам қизиқиш билан қарагани ва фаол иштирок этганининг замирида қандай омиллар борлиги таҳлил қилинган.

Мақолада диний мулоқот олиб бориш учун очилган дастлабки тармоқ – "Ecunet" ҳамда унда шаклланган виртуал жамоалар томонидан оммавий ва хусусий (тўлов асосида кириш мумкин бўлган) суҳбатларда қандай мавзулар муҳокамасига кўпроқ эътибор қаратилгани баён қилинган. 1986 йилда христианлик тарихида биринчи марта онлайн ўтказилган қайси диний маросим — "Challenger" космик кемасида бедарак кетган фазогирлар хотираси ёд олиб, сўнгги йўлга кузатилгани тўғрисида маълумот берилган.

Гипематн билан ишлаш, веб-сайтлар очиш имкониятининг яратилиши билан бир вақтда "World wide web" (Бутундунё ўргимчак тўри)нинг барча учун бепул жорий этилиши христианликнинг кибермаконда ривожланиш динамикасига қай тарзда таъсир этгани кўрсатиб берилган. Бунда киберкоммуникация технологияларининг олдинги сафида бўлган веб-сайтлар ҳамда улар қайси оқим ва черковларга тегишли бўлгани тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: *христиан дини, кибермакон, эълонлар доскаси (BBS), онлайн дин, дин онлайнда, чат рум, киберчерков, Интернет христианлик, виртуал жамоа, диний амалиётлар.*

АННОТАЦИЯ: *В статье рассказывается о проникновении представителей христианства в киберпространство, истории первых виртуальных форумов, групп, сетей и сайтов, связанных с этой религией. Раскрыты взгляды ученых, изучавших эти процессы, о широком распространении религии в интернете, особенно христианства. Приводятся примеры из личных наблюдений американских, канадских и британских ученых, которые были свидетелями или лично участвовали в этих процессах. Исследования, посвященные религии и интернету делятся на три периода, исходя из это, мы уделили внимание исследованиям ведущих представителей каждого периода и результатам этих исследований.*

Во второй половине двадцатого века процесс, начавшийся с простого написания сообщения на электронной доске объявлений (BBS), начал быстро развиваться. Появились отдельные форумы для выражения религиозных взглядов (например, "Origins", 1983 г.) и виртуальные группы специально для христиан ("net.religion.christian", 1984 г.). Автор статьи анализирует, какие факторы лежат в основе того, что к этим группам с интересом относились и активно участвовали не только широкие слои населения, но и церковь.

В статье описывается на каких темах больше сосредотачивались виртуальные сообщества, сформировавшиеся в первой сети для религиозного диалога Ecunet в своих публичных и частных (платных) чатах (беседах). Предоставлена информация, о том что в 1986 году впервые в истории христианства была проведена религиозная онлайн-церемония в память о пропавших без вести космонавтах на космическом корабле Challenger.

Показано, как повлияло введение бесплатной всемирной паутины наряду с возможностью работать с гипертекстом и созданием веб-сайтов на динамику активности представителей христианства в киберпространстве. Также предоставлена информация о веб-сайтах, которые были на передовой линии кибер-коммуникационных технологий, а также о том, к каким течениям и церквям они принадлежали.

Ключевые слова: *христианство, киберпространство, доска объявлений (BBS), онлайн-религия, религия онлайн, чат, киберцерковь, интернет, виртуальные сообщества, религиозные практики.*

ABSTRACT: *This article emphasizes the influx of Christianity into cyberspace, the history of the first virtual forums, groups, networks, and websites relevant to this religion. It discusses the results of the studies on the widespread of faith, particularly Christianity, on the Internet. Examples, obtained as a result of American, Canadian, and British scientists' observation of these processes, are provided. As it is known, scientists divide the studies on the correlation between religion and the Internet into three periods. Based on this fact, we paid attention to the studies of the leading representatives of each period and their results.*

In the second half of the twentieth century, the process, which began with a simple message on a bulletin board system (BBS), began to develop rapidly. Special forums on the expression of religious views (e.g. "Origins", 1983) and virtual groups dedicated to Christianity ("net.religion.Christian", 1984) come to light. The author analyzes and justifies these groups were paid much attention and participated actively by the general population and the church.

The article identifies the most discussed topics in the virtual communities, which were established in the first network for religious dialogue Ecunet in their public and private (paid) conversations. It provides information about an online religious ceremony on the memory of the missing astronauts of the Challenger spacecraft.

It shows how the emergence of the free World Wide web and the possibility of working with hypertext and creating websites influenced the dynamics of Christianity in cyberspace. It also provides information on the leading websites of cyber-communication technologies and which sects and churches they belong to.

Keywords: *Christianity, cyberspace, bulletin board system (BBS), online-religion, chat, cyberchurch, online Christianity, virtual community, religious practices.*

КИРИШ

Бугунги кунда турли динлар, хусусан, христиан диний амалиётларининг кибермакондаги трансформацияси жадал давом этмоқда. Анъанавий ибодатлар у ёки бу ўзгаришларга юз тутса-да, онлайн контекстга олиб чиқилмоқда. Нафақат киберчерков ва киберруҳоний, балки кибер эътиқод қилувчи (яъни бирор марта черковга қадам босмаган, фақат тармоқ орқали ибодат қилувчи)ларнинг сафи кенгаймоқда. Бу жараённинг ўзига хос томонлари, афзаллиги, камчилиги ва хатарли жиҳатларини англаш учун аввало унинг тарихи, юзага келиш сабаблари ва ривожланиш динамикасини ўрганиш зарур.

МАНБА ВА МЕТОДЛАР

Христиан динининг Интернетга кириб келиши ва тез фурсатларда ёйилиши, бутун дунё бўйлаб эътиқод қилувчиларнинг эътиборини тобора кўпроқ жалб этиши натижасида олимларнинг нигоҳи бу жараёнларни тадқиқ этишга қаратилди.

Кибертехнологияларнинг христиан дини ва диний амалиётларга таъсири борасидаги баҳслар 1990 йиллардаёқ бошланган. Мазкур масалалар америкалик олимлар Г. Рейнголд (Rheingold, 1993), М. Виндхем (Wyndham, 1996), С. О'Лири (O'Leary, 1996), Ж. Зелиски (Zaleski, 1997), Розалинд А.Ж.Ҳэкет, Г. Янг (Young, 2004), Х. Кемпбелл (Campbell, 2005); канадалик профессорлар Д. Лочхед (Lochhead, 1997), К. Хелланд (Helland, 2004); рус тадқиқотчилари Е. Воронкова, Н. Свиридова , Д. Клименко ва бошқаларнинг илмий изланишларида ўз аксини топган. Мақолани ёзиш жараёнида ушбу материаллар назарий, тарихий-қиёсий ҳамда умумий илмий-тадқиқот усулларида ўрганилди.

Христианликнинг онлайн маконга кириб келишининг бевосита кузатувчиси ва иштирокчиси бўлган олим ва мутахассислар келтирган маълумотлар, мисол ва далиллар, хулосалар таҳлил қилинди.

ТАҲЛИЛ

1970 йиллар охирига бориб Интернетдан нафақат ҳарбий ва академик мақсадларда, балки бошқа йўналишларда ҳам фойдаланиш бошланди. 1978 йилда америкалик компьютер ишқибозлари У.Кристенсен ва Р. Сюсс томонидан илк эълонлар доскаси – BBS (Bulletin Board System) ишлаб чиқилди. Натижада Интернет тармоғида маълумот ёки хабар қолдириш, савол йўллаш, жумладан, диний қарашлар билан баҳам кўриш мумкин бўлган дастлабки майдон юзага келди *(Rheingold H., 1993:131-132)*. Мазкур эълонлар доскасида компьютерни яхши билувчи мутахассислар билан бир қаторда черков роҳиблари ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини ёзиб қолдирганлиги манбаларда қайд этилган *(Lochhead D., 1997:47)*. Америкалик олим ва пастор М. Виндхем, Мартин Лютер ҳаёт бўлганида ўзининг 95 тезисини Виттенбергдаги черков эшигига эмас, шундай хабарлар доскасида эълон қилган бўларди, деб фикр билдирган *(Wyndham M., 1996: 149)*. Бу эса ўша пайтда эълонлар доскаси черков сингари эътиқод қилувчилар кўп мурожаат этувчи майдонга айланганидан далолат беради. Кейинчалик қизиқишлари умумий бўлган инсонлар учун форумлар тузилган. "CommuniTree" ва унинг таркибидаги "Origins" форуми фақат диний савол-жавобларга мўлжалланган кибермакондаги дастлабки форумлар саналади. Кейинчалик бу форумлардан андоза олган ҳолда "Usenet" тармоғи ишга тушди. Бу тармоқнинг аҳамиятли томони – ундаги муҳокамалар мавзусига кўра тақсимланиб, "гуруҳ" (group)ларга бўлинганидадир. Бироқ турли динга мансуб инсонлар биргина "net.religion" гуруҳида ўз постларини қолдириш имкониятига эга бўлганлиги сабаб диний қарашлар борасида баҳс-мунозараларнинг кескинлашуви юзага келди.

Натижада 1984 йил христианлар учун алоҳида “net.religion.christian” гуруҳи очилди *(Helland C., 2007:959)*. Мазкур гуруҳда айнан насронийликнинг маъно-мазмуни тўғрисида теран фикрлар, қизғин савол-жавоблар авж олди. Бунга сабаб бўлган асосий омил – кибермаконда бирор етакчи ёки назорат қилувчи, чекловчи марказлашган бошқарувнинг йўқлиги, ҳар ким ўзи истаган фикрини эркин баён этиш имконига эга эканлигида эди.

XX асрнинг охирига келиб, нафақат оддий аҳоли, балки черковлар ҳам ўз компьютер тармоқларини очишга қизиқиш билдира бошладилар. АҚШдаги Методистлар бирлашмаси, Исонинг бирлашган черкови, Канада черковлар бирлашмаси 1983-84 йилларда саноқли фойдаланувчилар иштирокида синов тариқасида ўз тармоқ тизимини яратди. Очиқ суҳбатларга киришдаги узилишлар ва черковнинг бу лойиҳага катта маблағ сарф этишига қарамай, иштирокчилар компьютер орқали мулоқот давом этилишини ёқлаб чиқишди. Оқибатда конфессияларо ва экуменик гуруҳлар томонидан виртуал мулоқотнинг аҳамиятини баҳолашга бағишланган бир қатор учрашувлар бўлиб ўтди. Якунда диний мулоқот олиб бориш учун экуменик компьютер тармоғини яратиш керак, деган қарорга келинди ва “Ecunet” тизими ишга туширилди *(Helland C., 2004:23)*. Мазкур тизимга кириш учун ташкилот ёки алоҳида шахслардан белгиланган миқдорда тўловни амалга ошириши талаб этилган. Эвазига тизим иштирокчилари ўртасида хавфсиз компьютер алоқаси ва ўзаро маълумот алмашиш имконияти кафолатланган. Кўп ҳолларда диний ташкилотлар, масалан, черковлар тизимдан фойдаланиш учун муайян вақт, дейлик, 100 соат харид қилиб, бу вақтни ташкилот аъзоларига тақдим этган ёки пуллик хизмат кўрсатганлар. Бундан ташқари, исталган кишида ҳам белгиланган тўловни амалга ошириб, тизимга кириш имкони бўлган.

“Ecunet”да онлайн жамоалар бўлганини тасдиқловчи омил сифатида ундаги “Дуо капелласи” деб номланган бўлим келтирилади. 1987 йилдан ушбу бўлимда онлайн учрашувлар ўтказилиши бошланган, юзлаб дуо илтижолари ва шукрона постлари қолдирилган. Тадқиқотчилар фикрича, бундай муҳит насронийлар ўртасида мулоқотнинг кенгайиши ва мустаҳкамланишига сабаб бўлган. Онлайн учрашувлар оммавий ва хусусий турларга бўлинган. Оммавий суҳбатларда айрим саволлар юзасидан турли деноминациялар ўртасида баҳслар ҳам бўлиб турган. Хусусий суҳбатларда эса нисбатан “нозик” ва мураккаб мавзулар кўтарилган. Жумладан, жинсий зўравонликни бошдан кечирган ёки ёмон одатларга мойиллиги бор инсонлар, шунингдек, руҳонийлар ўртасида баччабозлик муаммосини муҳокама қилишни истовчи черков вакиллари ўзаро фикр алмашганлар *(Helland C., 2004:25)*.

1986 йил “Ecunet” тизимида христианлик тарихида биринчи онлайн диний маросим (ритуал) бўлиб ўтди: ҳалокатга учраган “Challenger” космик кемасида бедарак кетган фазогирлар хотирасини ёд олиш ва сўнгги йўлга кузатиш хизмати йўлга қўйилди. Онлайн хизмат фойдаланувчилари фазогирлар ҳақига дуо ёзиб қолдириши, ўз ҳамдардлигини билдириши мумкин бўлган. Бу воқеа кўплаб расмий христиан ташкилотлари, турли конфессия вакиллари ва алоҳида шахсларнинг эътиборини тортди.

Олим ва роҳиб Ч. Ҳендерсоннинг таъкидлашича, АҚШ пресвитериан черкови онлайн маконга кириб келган биринчи деноминация бўлган *(Nesbit J., 2000:43)*. Ушбу деноминация 1985 йил “Presbynet” тармоғи орқали черков роҳиблари ва ўз тарафдорларини виртуал оламда жамлаган. У АҚШ пресвитериан черкови ходимлари ва аъзолари учун мўлжалланган онлайн тармоқ бўлган. Черковнинг кўплаб маъмурий вазифалари шу тармоқ орқали виртуал шаклда ҳам амалга оширилган. “Presbynet”га маҳаллий черков роҳиблари ёки христианликдан таълим берувчиларни маълумотлар билан таъминловчи тармоқ сифатида қаралган. Тармоқ орқали муҳим, тезкор хабар ёки эълонларни “ҳамкасблар” (черковнинг бошқа ходимлари) га юбориш; юзма-юз учрашувларни онлайн суҳбатларга алмаштириш; пресс-релиз ва ўқув материалларини электрон кўринишда қабул қилиш ва уларни тарқатма материалларга қўшиш, бошқа штат ва шаҳарлардаги пресвитериан марказларнинг ходимлари билан онлайн боғланиш мумкин бўлган *(Wyndham M., 1996: 143-145)*

1987 йилда асос солинган Католик ахборот тармоғи (The Catholic Information Network (CIN) АҚШда жами ўнта “нуқта”га уланган ва “Инжил”, “Отадан сўра”, “Дуо” каби бўлимларни ўз ичига олган. “Исо Масиҳнинг охирги кун азизлари черкови” тармоғи (LDSnet) эса мормонлар жамоаси вакилларига мўлжалланган. Барча хоҳловчилар учун Инжил матнини юклаб олиш имкониятини тақдим этган тармоқ - “CompuPal” деб номланган. Шунингдек, АҚШ, Канада, Англияда уланиш нуқталарига эга бўлган “NewLife Christian”, “Orthodox Christian BBS”, “Corpus Christi BBS”, “The Computers for Christ” тармоқлари фойдаланувчиларининг фаоллик даражаси юқори бўлган *(Rheingold H., 1993:140-141)*.

Дунёда 1990-йилларга қадар модем қурилмасига эга бўлганларгина персонал компьютер орқали муайян нарх эвазига Интернет тармоғига уланган. Юқори тезликка эга ва барча уланиши мумкин бўлган тармоққа эҳтиёж Интернет технологиялари

оламида янги даврни бошлаб берди ва “World wide web” (Бутундунё ўргимчак тўри)нинг яратилишига олиб келди. WWW асосчиси Бернерс-Линнинг фикрича, инсонлар электрон почтасида ўзига ёзилган хатларни сақлар экан, уларга “веб-сайт” ҳам тақдим этиш ўринли бўлади. Шунда одамлар барча “ташриф буюрувчилар” учун очиқ бўлган хабарларни қолдира оладилар *(Helland C., 2004:40)*.

Муҳими, веб-сайт нафақат матнли хабар, балки суратлар ва ҳатто мусиқа жойлаш имконини берди. Шу тариқа христианликка оид диний форум ва гуруҳлар бунга қадар фақат матн билан чекланган бўлса, энди шу дин вакиллари томонидан веб-сайтлар очилиши ва суратли, мусиқий безакли матн, мақола, ваъз-хутба ва эълонлар берилиши бошланди.

Дунёдаги биринчи веб-сайт (http://info.cern.ch/) 1991 йил 6 августда веб-серверга жойланган бўлса *(ru.wikipedia.org/wiki/Всемирная паутина)*, атиги бир йил ўтиб, яъни 1992 йилда Америка пресвитерианлари *www.godweb.org* сайтида “Кибермаконнинг биринчи черкови”ни очганлар *(Gilmore K., 2009:8)*. Бу сайт бир ибодатхона (sanctuary) вазифасини ўташи мақсад қилингани унинг бош саҳифасида келтирилган жумлалардан аён бўлади: “Сайтга киришдан олдин билингки, бу сайтда сиз ўзингизни черковда кутилган, ардоқли меҳмон каби ҳис қилганингиздек ҳис этишингизни истаймиз. Шунингдек, биз сизга куну тун очиқ бўлган чатга киришингизни тавсия қиламиз. Ташриф буюрувчилар турфа хил бўлиб, сиз жонли мулоқот иштирокчиларидан бирига айланасиз”.

1995 йилда Рим католик черковининг маъмурий ва руҳоний маркази – Ватикан ўз расмий сайти (www.vatican.va)ни очди. 1989 йилдаёқ Рим папаси Иоанн Павел II Интернет черков миссиясини амалга оширишда потенциал имкониятларни тақдим этишини кўра олган ва буни “янги Евангеллаштириш” деб атаган. Ватиканнинг “Черков ва Интернет” деб номланувчи ҳужжатида барча медиа воситалари Худонинг совғаси, дея таърифланган.

1996 йилда протестантликка тегишли бир нечта деноминациялар виртуал оламда ўз тарафдорларини жамлашга уринди. Булар: АҚШ пресвитериан черкови (pcusa.org), Жанубий баптистлар конвенцияси (sbcnet.org), Исо Масиҳнинг охирги кун азизлари черкови (lds.org) ва бошқ. Шу билан бирга, диний ташкилотларнинг норасмий веб-сайтлари ва алоҳида шахслар томонидан веб-саҳифалар ҳам очилган. Уларга мисол сифатида churchofthesimplefaith.org, partenia.org сайтларини келтириш мумкин.

XX асрнинг иккинчи ярмида очилган христианликка оид веб-сайтлар учун умумий ва асосий бўлган бўлим – бу “чат рум” (chat-room). Профессор Стивен О’Лирининг қайд этишича, чат-румни шунчаки хат ёзиш, фикр алмашиш майдони, деб тушуниш нотўғри. Унда одамлар худди черков ёки Инжилни ўрганиш гуруҳида бўлгани каби жамоавий иштирок этади ва бу баъзи инсонлар учун кундалик ҳаётининг ажралмас қисмига айланган *(O’Leary S., 1996:794)*. Диннинг Интернетда кенг ёйилишига сабаб бўлган яна бир омил, италиялик тадқиқотчи М. Меникоччи фикрича, бу – анъанавий диний жамоалар камчиликни рад этса, якка шахсларга кибермаконда ўз эътиқоди, динини топиш муаммосиз кечишида бўлган *(Menicocci M., 2005)*.

Ж. Зелискининг фикрича, кибермакон рақамли уммон бўлса, онлайн христианлик унинг энг йирик тўлқини. 1997 йил бошида христианликка оид веб-сайтлар беш асосий дин (ислом, яҳудийлик, буддавийлик ва ҳиндуийлик)га оид веб-сайтларнинг 80 %ини ташкил этган. У ахборотнинг қудрати сабаб кейинги асрда христианлик интернетда кенг ёйилиши шарофати билан бошқа жаҳон динларидан кўра етакчиликка эга бўлишини таъкидлаган *(Zaleski J., 1997:99-100)*. Тадқиқотчи ва олимларнинг ана шундай тахминлари христиан динининг интернетга кириб келиши ва ривожланиш хусусиятларини ўрганиш борасида бир қатор тадқиқотлар олиб борилишига сабаб бўлди.

Калифорнияда ўтказилган “Bama Research” тадқиқоти (1996 й.) шулардан бири бўлиб, у қуйидаги хулосани берди: черковлар тез фурсатларда кибермаконга кириб келиши лозим, йўқса, улар ўз издошларига замонга мос маслаҳат бериш қобилиятини йўқотиш хавфи бор *(Helland, C., 2004:83-85)*. Бу каби хулоса ва тавсиялар черковлар назаридан четда қолмаганлигини қуйидаги рақамлар тасдиқлайди: 2001, 2002 ва 2003 йилларда “Google” қидирув тизимидаги “Дин ва илоҳиёт” бўлимидаги сайтлар сонини ўрганган олим К. Хелленд шу йиллар орасида христианликка оид сайтлар ўртача 49,15 %га ортгани ва уларнинг асосий қисми расмий диний ташкилотлар ҳамда черковларга тегишли эканини аниқлаган *(Helland, C., 2004:47)*.

Интернетда динни, жумладан христиан динини ўрганишнинг мураккаб томони – унинг шиддатли ривожланиши ва ўзгаришларига қадам-бақадам юришдадир. Бу борадаги илк тадқиқотлар 1990-йиллар ўрталаридан эълон қилинишни бошлади. Америкалик социолог ва танқидчи Г. Рейнголд христиан динига оид дастлабки виртуал тармоқ тизим ва форумлар, уларнинг асосчиларини биринчилардан бўлиб тадқиқ этган *(Rheingold, 1993)*. Унинг фикрича, дастлабки христиан диний форумларда бирор етакчи ёки назорат қилувчи органнинг бўлмаганлиги, тижорий мақсадлар кўзланмаганлиги, иштирокчиларнинг асосий

эътибори уларни ўйлантираётган муаммо юзасидан фикр алмашиш ҳамда муайян “амалиётлар”ни ҳар куни биргалик бажаришга қаратганлиги мазкур форумларнинг ўзига хос жиҳатлари саналади.

Америкалик олим ва пастор М. Виндхем *(Wyndham, 1996)* кибермакондаги илк диний жамоалар ва черковларнинг кибермаконга кириб келиш зарурати ва аҳамиятини очиб берган. Олимнинг шахсий кузатувларига кўра, христиан жамоалари зиммасидаги вазифалар виртуал христиан жамоалари томонидан ҳам адо этилади. Одамлар дин тўғрисида гаплашиш, илмини ошириш ва эътиқодини юксалтириш учун бир ерда жам бўлар экан, бу кибермакон бўлган тақдирда ҳам, Инжилда айтилган олий мақсадлар рўёбга чиқади. Черковлар Интернетга “қадам қўяр” экан, христианлар мулоқотга қанчалик ташна эканлигига амин бўладилар. Одатда черковда одамлар фақат тинглайди, уларга фақат гапирилади. Кибермакон эса интерактивлик, фикр алмашиш имкониятини беради, деб таъкидлайди олим.

Канадалик профессор Д. Лочхед “Реалликнинг ўзгариши: ахборот технологиялари ва черков” номли китобида *(Lochhead, 1997)* компьютер тармоқлари ва интернетни ўзлаштирган АҚШ ва Канададаги илк черковлар, роҳибларнинг ундаги фаолияти, Инжилнинг рақамли кўринишда намоён бўлиши ва гиперматн афзалликлари тўғрисида биринчи марта оммага маълум қилди.

Янги медиа маконнинг диний жамоаларга таъсирини ўрганган илк олимлардан яна бири АҚШлик профессор С. О’Лири “Кибермакон муқаддас макон сифатида: диннинг компьютер тармоқларида тарқалиши” номли мақоласида Интернетнинг пайдо бўлиши диннинг ривожланиши учун худди босма дастгоҳ кашф этилиши сингари революцион воқеа бўлганини таъкидлайди. Олимнинг фикрича, одамлар борган сари кўпроқ вақтини онлайн ўтказиши ҳеч кимни ҳайратлантирмаслиги лозим, боиси улар ўз диний эҳтиёжларини қондириш йўлларини қидиради, бошқалар эса диндек муқаддас тушунчанинг компьютер экранида намоён бўлишига ҳали кўникмаган *(O’Leary S., 1996:782-794)*. Профессор 1990-1993 йилларда христиан диний форумлари (жумладан, “New Age Forum”)да шахсан қатнашгани, “чат-рум”ларда шунчаки суҳбат ва ёзишмалардан ташқари муайян диний маросимни биргаликда адо этиш таклифи билдирилган эълонларни кўргани, одамлар бир вақтда форумга кириб, ритуалларни амалга ошираётганидан ҳайратда эканини баён қилган. Жумладан, Тўлин ой билан боғлиқ маросимлар, Ҳосил байрамлари (Lammas Day)ни бир-бирини мутлақо танимайдиган, турли шаҳарларда яшайдиган одамлар мунтазам равишда онлайн бирга бажаришига гувоҳ бўлиб, бу феномен ҳақида нима деб ёзиш ёки қандай тадқиқ этишга шошиб қолганини яширмаган. Баъзи тадқиқотчилар фикрича, С. О’Лирининг Брашер билан ҳаммуаллифликда ёзган “Интернетнинг номаълум Худоси” (1996 й.) номли мақоласи кибермакон христиан динига қандай таъсир ўтказиши тўғрисидаги фундаментал маълумотларни тақдим этган.

Тадқиқотчи ва ношир Ж. Зелиски “Кибермакон руҳи: янги технологиялар илоҳий ҳаётимизни қандай ўзгартирмоқда” номли китобида турли дин вакиллари, жумладан, христианлар, виртуал монастирлар, кибермиссионерлар томонидан 1997 йилга қадар очилган веб-сайтларни таҳлил этган. Унда: киберчерковлар маҳаллий черковларни “сиқиб чиқарадими”, анъанавий черков жамоалари йўқолиб кетадими, христиан диний амалиётлари компьютер экранларида адо этилиши мумкинми, кибермаконнинг эътиборни чалғитувчи оҳанрабо эълонлари ва “шовқин”и орасида илоҳий муҳитни топиш ва сақлаб қолиш имкони борми каби саволларга жавоб изланган *(Zaleski, 1997*).

Киберчерков масаласи, унинг афзаллиги ва камчилиги ҳамда келажаги борасидаги назариялар англиялик футурист П. Диксон *(Dixon, 1997)*, тадқиқотчи К. Гилмор *(Gilmore, 2009)* ҳамда тадқиқотчи ва пастор Т. Муллинс *(Mullins, 2011)* ишларида ҳам ўз аксини топган. Бу назарияларга мувофиқ, “онлайн черков” юзма-юз мулоқот ўрнини боса олмайди. Шунга қарамай, киберчерков вақт ва макон чегараларини тан олмайди. Анъанавий черковлар иш вақти тугаб, ўз эшикларини беркитар экан, онлайн черков “эшиклари” 24 соат давомида очиқ бўлади. Ундаги веб-манбалар ва виртуал хизматлардан ҳам куннинг исталган вақтида фойдаланиш мумкин. Бора-бора географик манзилга эга бўлмаган, фақат Интернетда мавжуд бўлган замонавий черковлар сони ортади.

НАТИЖА

Дин ва интернет, жумладан, христиан динининг Интернетдаги акси тадқиқ этилган ишлар учта даврга бўлинади. Юқорида саналган олимларнинг барчаси (К. Гилмор ва Т. Муллинсдан ташқари) биринчи давр вакиллари бўлиб, асосан кибермаконнинг нима эканлиги, виртуал христиан жамоалари, веб-сайтларнинг спецификасини ўрганишга, янги технологиялар одамларнинг диний қарашлари ва эътиқодини ўзгартиришга қай даражада таъсир қилаётганини очиб беришга интилганлар.

Иккинчи даврнинг айнан қайси санадан бошлангани ҳамон баҳсли масала бўлиб қолмоқда. Бироқ бу даврдаги тадқиқотларда аввалгисидан

фарқли равишда ўрганилиши мақсад қилинган саволлар ва масалалар конкретлашгани, гап фақат технологияларда эмас, улардан фойдаланаётган шахслар ва жамоаларда экани, инсонларни онлайн дин ва диний амалиётларга етаклаётган қизиқиш ва мотивациядан-да муҳимроқ масала – онлайн иштирок анъанавий (оффлайн) христиан динига қай тарика таъсир этиши ўрганилгани билан аҳамиятли.

Дарҳақиқат, бу даврнинг ёркин намояндаларидан бири канадалик олим К. Хелланднинг тадқиқотларида диннинг Интернетда гавдаланиши WWW яратилгунга қадар ва ундан кейинги даврларга бўлиниши, олим бундай жараёнларни ифодалаш учун 1999 йилда "онлайн дин"(online religion) ҳамда "дин онлайнда" (religion online) тушунчаларини қўллагани бежиз эмас. К. Хелланднинг "онлайн дин" ёндашувига кўра, христианликка оид веб-сайтлар ва улар тақдим этаётган имкониятлар таснифланса, юқори даражадаги интерактивликнинг таъминланиши, диний амалиётларнинг реал вақт режимида бажарилиши тушунилади. Интерактивликнинг мавжуд бўлмаслиги, фақат диний мавзудаги маълумотлар, мақолаларни тақдим қилиш билан чекланиш эса "дин онлайнда" деб қаралади. К. Хелланд 2005 йилда чоп этган илмий мақоласида юқоридаги тасниф кибермакондаги шиддатли ўзгаришларга қарамай ҳамон мос экани, аммо Интернетнинг янги муқобил имкониятлари билан ҳамқадам бўлиш лозимлигини таъкидлайди.

Демак, юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, иккинчи давр доирасидаги тадқиқотларда ўртага ташланган асосий масала онлайн ва оффлайн диний, жумладан, христиан динига оид жамоалар ўртасидаги алоқани ўрганиш ҳисобланади. Масалан, профессор Г. Янг тадқиқотида *(Young, 2004)* К. Хелланд ишлаб чиққан онлайн дин ва дин онлайнда таснифи насронийликка оид веб-сайтларга нисбатан "Интернет христианлик"нинг турли кўринишларини тушунтирувчи воситаси сифатида қўлланилган. Унинг таъкидлашича, Интернетда анъанавий диний маълумотларни бериш ёки христиан диний амалиётлари/ритуалларнинг янги намоён бўлувчи шаклларини тақдим этишдан қатъий назар "Интернет христианлик" анъанавий (оффлайн) христианликка боғлиқ бўлмаган ҳодиса эмас.

Х. Кемпбелл иккинчи даврнинг етакчи тадқиқотчиларидан яна бири бўлиб, у ўз ишларида онлайн христиан диний жамоалари анъанавий диний жамоалар олдига қўйган талабларни муаммолардан бири сифатида қайд этган. Унинг фикрича, диний амалиётлар кибермаконда мавжуд бўлиши учун у ёки бу шаклдаги ўзгаришларга дучор бўлишига тўғри келса-да, бунга йўл қўйилгани ва қўйилаётганини чуқур тадқиқ этиш лозим *(Campbell, 2005)*.

Биринчи ва иккинчи даврда олиб борилган тадқиқотлар янада интегратив, изоҳловчи ва чуқур назарий ишларнинг олиб борилишига замин яратди. Учинчи давр – XXI аср тадқиқотларида берилган хулосалардан бири – христиан динининг Интернетда фаоллашуви баъзи мутахассислар қўрққани каби инсонларнинг черковларга ижтимоий жалб қилинишига салбий таъсир кўрсатмайди. Онлайн христиан жамоалари черковлардаги оффлайн иштирок этишга қўшимча, тўлдирувчи бўлиб хизмат қилади, унинг ўрнини эгалловчи эмас.

Испаниядаги Рамон ЛЛулл университетига қарашли Коммуникация, дин ва маданият обсерваторияси директори Мириам Диез Босшнинг бошқа тадқиқотчилар билан ҳаммуаллифликда ёзилган "Очиқ деворли черковлар. Онлайн жамоаларнинг католик қурилиши" номли мақоласида *(Díez, 2017)* христиан динига тааллуқли 19 та сайтнинг таҳлили келтирилади. Бу сайтлар "Alexa" рейтингига кўра, ташриф буюрувчилар сони бўйича юқори ўринларда турувчи диний сайтлардир. Қолаверса, улар христианлар энг кўп тарқалган 9 та давлатда сўзлашилувчи 5 та тилдан бирида ёки бир нечтасида юритилади. Жумладан, инлиз тилида: Catholic.com, Catholic. org, Gloria.tv, Usccb.org ҳамда Vatican.va; испан тилида: Aciprensa.com, Aleteia.org, Catholic.net, Corazones.org ва Religionenlibertad.com; португал тилида: BibliaCatolica.com.br, Cancaonova.com, Cnbb.org.br, Ecclesia.pt ва Zenit.org; французча: Catholique.fr, LaProcure.com ҳамда италян тилида: ChiesaCattolica.it ва News.va сайтлари.

Муаллифлар мазкур сайтларнинг уч йил (2014-2016 йй.) мобайнидаги таҳлили натижаларига кўра, қуйидаги хулосаларни баён этганлар. Биринчидан, мазкур сайтлар ўз олдига қўйган мақсадига кўра, қуйидагича таснифланиши мумкин: институционал (муайян диний ташкилотга қарашли), ахборий (диний ахборот), евангеллаштириш ва апологик, диний-маърифий руҳдаги (ибодатлар, медиациялар) ва бошқалар. Шулар ичидан институционал ва ахборий йўналишдагилари катта қисмни ташкил этади. Иккинчидан, интерактив воситалар (изоҳлар қолдириш, қайта алоқа қилиш, электрон почтага тўғридан-тўғри хат юбориш, ижтимоий тармоқларига "лайк" босиш)нинг мавжудлиги ушбу веб-сайтларнинг оммабоплиги ва қулайлигини оширган. Учинчидан, оффлайн ўтказилувчи диний амалиётларни онлайн эълон қилиш ва тарғиб қилиш унсурларининг етакчилиги Интернет фойдаланувчиларида диний амалиётларни фақатгина онлайн эмас, балки оффлайн амалга ошириш истагини уйғотган.

Италиялик тадқиқотчи М. Меникоччи эса ўз тадқиқотларига таянган ҳолда христиан динига оид

сайтларнинг қуйидаги тўртта функциясини ажратиб кўрсатади *(Menicoccі M., 2005):*

1) “жамоатчилик билан алоқалар” деб номланувчи комплекс чора-тадбирлар ёрдамида динга эътиқод қилмайдиганларга ҳам черковни таништириш, тақдим этиш (диний таълимот, сирли маросимлар ва уларнинг моҳиятини очиб бериш);

2) евангеллаштириш ва прозелитизм бўйича ишларни олиб бориш;

3) у ёки бу диний жамоа аъзолари ўртасида алоқалар ўрнатиш ва уларнинг дин хусусидаги қарашларини теранлаштириш (ткрли конфессия сайтларида муайян мавзу юзасидан баҳс юритилади, форумлар ташкил қилиниб, mailing list орқали фойдаланувчиларга янгилик ва эълонлар тарқатилади);

4) олим ва тадқиқотчилар учун материаллар тақдим этиш. Муқаддас битик матнлари деярли барча сайтларда мавжуд. Қолаверса, уларнинг аксарида бепул ёки пулли асосдаги диний адабиётлар манбаи мавжуд.

Кибермаконда христиан динига оид жараёнларни давлатлар кесимида ўрганган тадқиқотчилар ҳам бўлиб, жумладан, Бразилия пятидесятникларнинг рақамли оламдаги ўзига хос белгиларини К. Де Соуза ва Р. Де Арага Матослар таҳлил этган, Филлипинда христиан динини овоз орқали эмас, балки матн (смс)лар шаклида мобил телефонлардан фойдаланиб тарқатишни Энтони Г. Роман “Худога қисқа хабар: филлипинликлар орасида смс ва дин” мақоласида очиб берган *(Abdullayeva M., 2018:63)*. “Диний амалиётлар онлайнда: Беларусь тажрибаси” номли мақолада эса муаллифлар Д. Безнюк ва Н. Цыбульская ахборий жамият муҳитида дин трансформацияси муаммосини Беларусь давлати мисолида ўрганган. Минскдаги диний жамоаларга тегишли сайтлар таҳлили орқали бу давлатдаги диний соҳанинг рақамлашиш даражаси ва оқибатларига баҳо берилган *(Beznyuk D., 2019)*.

Рус тадқиқотчиларидан Н.В. Свиридова ўз тадқиқотларида “ru” доменидаги диний сайтлар ва “Интернет-черков”ларнинг ўзига хос жиҳатлари, Рус Православ черковининг кибермаконга бўлган муносабати ҳамда онлайн “фаолияти”ни таҳлил қилган *(Sviridova N., 2011)*.

ХУЛОСА

Юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

– кибермакондаги биринчи диний гуруҳ – “net.religion” таркибида муайян бир дин вакиллари учун очилган илк гуруҳ христианликка оид бўлган (“net.religion.christian”, 1984 й.). Интернетда марказлашган бошқарув, назорат қилувчи кучнинг йўқлиги боис ушбу гуруҳда диний баҳс-мунозаралар қизғин кечган. Бу эса нафақат оддий аҳоли, балки черковларнинг ҳам эътиборини тортган.

– АҚШ пресвитериан черкови виртуал оламга ўз тармоғи билан кириб келган биринчи деноминация ҳисобланади (“Presbynet” тармоғи, 1985 й.). Дастлаб ундан асосан руҳонийлар ва черков аъзолари фойдаланган бўлса, 1996 йилга келиб, тармоқ барча учун очиқ веб-сайтга айлантирилган. Натижада дунёнинг исталган еридаги инсон сайтга жойланган материалларни кўриш имконига эга бўлган. Бундан унумли фойдаланган Черков ўз ғояларини, турли эълонларни веб-сайтида ёритиш орқали тарафдорларини зарурий маълумот билан таъминлаган ва бошқа инсонларни черковга жалб этган. Интернетда ўз сайтларини очган бошқа черковларда ҳам жумладан шу мақсад мужассам бўлган.

– Христиан динининг Интернетда ривожланиши натижасида диний амалиётлар кибермуҳитда муайян даражада ўзгаришларга юз тутишни бошлади. Бу эса олимларнинг мазкур жараёнларни тадқиқ этиш заруратини келтириб чиқарди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Abdullayeva, M. (2018). Approaches for studying religious process in cyberspace. The Light of Islam, Vol. 2018 : Iss. 1 , Article 13.
2. Безнюк Д., Цыбульская Н. (2019). Религиозные практики онлайн: опыт Беларуси. Logos et Praxis. 2019. Vol. 18. No. 2. Ст. 39-47.
3. Campbell, H. (2005). Spiritualising the internet: Uncovering discourses and narratives of religious internet usage. Online-Heidelberg Journal of Religions on the Internet, 1(1), 1-26.
4. Campbell, H. (2006). Religion and the internet. Communication Research Trends, 26(1), 1-24.
5. Campbell, H. (2007).Who’s got the power? Religious authority and the internet. Journal of Computer-Mediated Communication, 12(3), 1043-1062.
6. Catiane Rocha Passos de SOUZ, Dr. Rita de Cassia de Aragao MATOS. (2007). Between no churched and cyber Pentecostals: religious modus vivendi in the society under mediatization. Journal for Communication Studies, 33-51.
7. Díez, M., Micó, J.L., Carbonell, J.M., Sànchez, J. and Sabaté, A. (2017). Open Wall Churches. Catholic Construction of Online Communities. Prisma Social, 19, pp. 298-323.
8. Dixon, P. C. (1997). Cyberchurch, Christianity and the Internet. Kingsway Publications.
9. Gilmore, K. (2009). A Church without Walls: Finding Community in Central Christian Church’s Online Campus. A thesis for the Master of Arts Degree. Greenspun College of Urban Affairs.

10. Helland, C. (2004). Religion on the internet: a sociological inquiry into participation and community online. A Thesis for the degree of Doctorate of Philosophy. University of Toronto.
11. Helland, C. (2007). Diaspora on the electronic frontier: Developing virtual connections with sacred homelands. Journal of Computer-Mediated Communication, 959.
12. Lochhead, D. (1997). Shifting realities: Information technology and the church. Geneva, Switzerland: WCC Publications.
13. Mullins, T. (2011). Online church: a biblical community. A Thesis for the degree doctor of ministry. Palm Beach Gardens, Florida.
14. Nesbit, J. (2000). Virtual church as a site for cyberfaith: A uses and gratifications analysis of two home church discussion lists. ProQuest Dissertations Publishing. The University of New Mexico.
15. O'Leary, S. (1996). Cyberspace as Sacred Space: Communicating Religion on Computer Networks. Journal of the American Academy of Religion, 64(4), 794.
16. Rheingold, H. (1993). The virtual community: Homesteading on the electronic frontier. Cambridge: The MIT Press. 2000 (second addition).
17. ru.wikipedia.org/wiki/Всемирная паутина – мурожаат санаси: 02.02.2021 й. (n.d.). Retrieved 2021 йил 02-02
18. Свиридова Н. (2011). Религия онлайн. Философские проблемы информационных технологий и киберпространства, № 2. С. 238-247.
19. Wyndham, M. (1996). Cyberchurch: christian community in cyberspace. A Dissertation for the Degree Doctor of Philosophy. The Southern Baptist Theological Seminary.
20. Young, G. (2004). Reading and praying online: The continuity in religion online and online religion in internet Christianity. New York: Routledge.
21. Zaleski, J. (1997). The Soul of Cyberspace: How New Technology is Changing our Spiritual Lives. . New York: HarperCollins Publishers.

REFERENCES:

1. Abdullayeva, M. (2018). Approaches for studying religious process in cyberspace. The Light of Islam, Vol. 2018 : Iss. 1 , Article 13.
2. Beznyuk D., Sibulskaya N. (2019). Religioznie praktiki onlayn: opit Belorusi. Logos et Praxis. 2019. Vol. 18. No. 2. S. 39-47.
3. Campbell, H. (2005). Spiritualising the internet: Uncovering discourses and narratives of religious internet usage. Online-Heidelberg Journal of Religions on the Internet, 1(1), 1-26.
4. Campbell, H. (2006). Religion and the internet. Communication Research Trends, 26(1), 1-24.
5. Campbell, H. (2007).Who's got the power? Religious authority and the internet. Journal of Computer-Mediated Communication, 12(3), 1043-1062.
6. Catiane Rocha Passos de SOUZ, Dr. Rita de Cassia de Aragao MATOS. (2007). Between no churched and cyber Pentecostals: religious modus vivendi in the society under mediatization. Journal for Communication Studies, 33-51.
7. Díez, M., Micó, J.L., Carbonell, J.M., Sànchez, J. and Sabaté, A. (2017). Open Wall Churches. Catholic Construction of Online Communities. Prisma Social, 19, pp. 298-323.
8. Dixon, P. C. (1997). Cyberchurch, Christianity and the Internet. Kingsway Publications.
9. Gilmore, K. (2009). A Church without Walls: Finding Community in Central Christian Church's Online Campus. A thesis for the Master of Arts Degree. Greenspun College of Urban Affairs.
10. Helland, C. (2004). Religion on the internet: a sociological inquiry into participation and community online. A Thesis for the degree of Doctorate of Philosophy. University of Toronto.
11. Helland, C. (2007). Diaspora on the electronic frontier: Developing virtual connections with sacred homelands. Journal of Computer-Mediated Communication, 959.
12. Lochhead, D. (1997). Shifting realities: Information technology and the church. Geneva, Switzerland: WCC Publications.
13. Mullins, T. (2011). Online church: a biblical community. A Thesis for the degree doctor of ministry. Palm Beach Gardens, Florida.
14. Nesbit, J. (2000). Virtual church as a site for cyberfaith: A uses and gratifications analysis of two home church discussion lists. ProQuest Dissertations Publishing. The University of New Mexico.
15. O'Leary, S. (1996). Cyberspace as Sacred Space: Communicating Religion on Computer Networks. Journal of the American Academy of Religion, 64(4), 794.
16. Rheingold, H. (1993). The virtual community: Homesteading on the electronic frontier. Cambridge: The MIT Press. 2000 (second addition).
17. ru.wikipedia.org/wiki/Vsemirnaya pautina – murojaat sanasi: 02.02.2021y.
18. Sviridova N. (2011). Religiya onlayn. Filosofskie problemi informatsionnix texnologiy i kiberprostranstva, № 2. S. 238-247.
19. Wyndham, M. (1996). Cyberchurch: christian community in cyberspace. A Dissertation for the Degree Doctor of Philosophy. The Southern Baptist Theological Seminary.
20. Young, G. (2004). Reading and praying online: The continuity in religion online and online religion in internet Christianity. New York: Routledge.
21. Zaleski, J. (1997). The Soul of Cyberspace: How New Technology is Changing our Spiritual Lives. . New York: HarperCollins Publishers.